



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 205 (9851).

1990 йил, 26 октябрь. • жума •

Баҳоси 3 тийин.



Қишлоқда қайта қуриш

«ОГОНЁК» — ДЎСТЛИКДАН КЎКАРГАН БОҒ

Шўро хўжалиги-заводи соҳибкорлари йиллик режани ошириб бажардилар



КЕЧА Ғалаба ноҳия-сидаги «Огонёк» шўро хўжалиги-заводидан қувончли хушхабар олдик. Донгдор хўжалик соҳибкорлари зиммага олинган давлат режасининг ортиси билан бажардилар. Шаҳарликлар дастурхони:

режадаги 5400 тонна ўрнига 6850 тонна мева, 8660 тонна ўрнига 10 минг 300 тонна узум, 290 тонна ўрнига 500 тонна сабзавот, 150 тонна ўрнига 220 тонна полиз маҳсулотлари, 102 тонна гўшт, 1150 тонна сут етказиб берилди.

(«Огонёк» шўро хўжалиги-заводи жамоасининг меҳнат муваффақиятлари ҳақида рўзномамизнинг ўзинчи сифидасида ўқийсиз).

*



СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Огонёк» шўро хўжалиги-заводи директори Зикрилла Раҳматуллоев ва кенса соҳибдор Сидик Мусоевлар бўлиқ узум бошларини кўздан кечиришмоқда; (пастда) беҳи узми пайти; яна бир ҳосил қарвони йўлда. Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.



ҒАЛАБА ВА ПИСКЕНТ НОҲИЯЛАРИ МАРРАГА ЕТДИ

● ҒАЛАБА. Ноҳия пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича олган йиллик режаларининг ортиси билан бажардилар. Пахта экин-ини 15984 гектар эрдан 44531 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Режа 35 кш кунда бажарилди. Мавсум давомида ноҳия пахтазорларида ишлаган 390 та машиналар бун-керидан 36935 ўрнига 42512 тонна пахта тўқилди, бу борадаги режа 115,5 фозга адо этилди. Машинада терилган пахтанинг кўрсаткичи вийиқса юқори бўлган «Заря Коммунизма», Димитров, Ҳамза номли мамос хўжаликларида топширилган ҳосил-

нинг 94—98,9 фозигача уларнинг ҳисобига тўғри келади.

Ноҳия бўйича энг кўп пахта терган Н. Имомов, К. Ким, А. Жуманазаров, Д. Юсуповлар машиналари билан 200 тоннадан ошириб пахта тўқдилар.

Ҳозир Ғалабада терим сусайган йўл. Қўнғир йиллик режанинг бир фозидан ортиси миқдорда пахта топширилмоқда. Бу ҳар кун 300 тоннадан зиёд ҳосил терилаяпти демакдир. Ноҳия хўжаликлари ҳавонинг қўшши бўлаётган ҳар бир кундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

● ПИСКЕНТ. Ноҳиянинг давлатга сотиш учун режалаштирилган пахтаси бир қатор қўшмаирииникига тақдослаганимизда инсба-ти камроқдир. Лекин бу нисба пискент-ли деҳқонларнинг меҳнати қўшин пахта-корлариникидан кам бўлди, дегани эмас. Ақсичча, бу йилги теримнинг яхши таш-ки этилганини, теримчиларга зерур ш-ротларнинг ҳаммаси микон даражасида яратиб берилганини, машиналардан унум-ли фойдаланиш бўйича ноҳияда кам иш қилинмади. Оқибатда натижа кўзгичи куттириб қўйгани йўл. Қабул пунктларида 36900 тоннадан зиёд пахта топширилди.

Шунинг 28 минг тоннадан ошган машина-лар бункеридан тўқилди. Ноҳия пахта хир-монининг ўсишида механизаторлар Ҳошим Намозбоев, Зиёвуддин Исмолов, Худойкул Махсумов, Абдулжалил Ибнзоявларнинг ҳис-салари катта бўлди.

Пискентликларнинг четдан биронта ёр-дамчи олмаганликлари, ҳатто келган ёр-дамчиларин рад этишлари эса уларга ке-тадиган 100 минг сўмлаб пулни ташаб қо-лишга микон берди.

Ҳозир ноҳия далаларида иш қизган, деҳқонлар режадан ошқича ҳосилни йи-ғиштириб олишга киришганлар.

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ
УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТУҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбе-кистон ССЖ Олий кенгаши-нинг учинчи сессияси 1990 йил 29 октябрь соат 10 да Марказий Қўмитаси мажли-сида Ўзбекистон Компартия-си лар залида очилади.

• ОБУНА-91

• ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ МУКОФОТЛАРИ СИЗЛАРНИ КЎТМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ БАРЧА НОҲИЯ ВА ШАҲАР
«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИ, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ
ХОДИМЛАРИ, КОРХОНА ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАГИ
ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР
ВА ШУ ИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
БАРЧА ФАОЛЛАР ДИҚҚАТИГА!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! Вилотимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан рўзномамизга 1991 йил обуна-сига оид хабарлар келмоқда. Улар бизни «Союз-печать» идораси ходимларининг, жамоатчи мат-буот тарқатувчиларининг шу кунлардаги тиним-сиз меҳнати, куч-ғайрати, ташаббус билан ишлаёт-ганлигини огоҳ этипти.

Рўзномамиз таҳрир ҳайъати «Тошкент ҳақиқа-ти»нинг чин мухлисларини, ҳақиқий жонкуярла-рини рағбатлантиришга, бизга хайрихоҳ бўлиб амалга ошираётган катта ишларини муносиб тақ-дирлашга қарор қилди.

Биз бутун «Союзпечать» идоралари, корхона ва ўқув юртларидаги барча жамоатчи матбуот тар-

— Биринчи ўрин учун битта 500 СЎМЛИК МУКОФОТ.

Унга «Тошкент ҳақиқати»га обу-на тўплашда энг юқори натижага эришган ноҳия ёки шаҳар алоқа бўлими, «Союзпечать» агентлиги сазовор бўлади.

— Иккинчи ўрин учун БИТТА 400 СЎМЛИК МУКОФОТ.

— Учинчи ўрин учун БИТТА 300 СЎМЛИК МУКОФОТ.

1, 2 ва 3-ўринлар обуначилар-

қатувчиларини, алоқа бўлиmlарининг ҳамма ходим-ларини муҳим хушхабардан огоҳ қилмоқчимиз.

«Тошкент ҳақиқати» обунани энг намунали уюштирган, муштарийларимиз сонини оширишга энг кўп ҳисса қўшган «Союзпечать» идоралари, алоҳида жамоатчи матбуот тарқатувчилар, шу иш билан шугулланаётган рўзномамизнинг чинакам жонкуярлари учун мукофотлар таъсис этди.

Бу мукофотлар орасида пул маблағлари, мар-казий курортларга бепул йўлланмалар, қиммат-баҳо буюм, тансиқ нашрларга обуна, қорозлари бор. Қўйида мукофотлар ва уларнинг шартлари билан таништирамиз.

«ОГОНЁК» ЖУРНАЛИ ИЛОВА-СИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— тўртта тўртинчи мукофот — «ДРУЖБА НАРОДОВ» ТУРКУМИ-ДАГИ КИТОБЛАР ТУПЛАМИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— тўртта бешинчи мукофот — «СЕЛЬСКАЯ МОЛОДЕЖЬ» ЖУР-НАЛИНИНГ «ПОДВИГ» ТУРКУ-МИДАГИ ИЛОВАСИГА БЕПУЛ ОБУНА.

— 10 та рағбатлантирувчи мукофот — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗ-НОМАСИГА 1991 ЙИЛ УЧУН БЕ-ПУЛ ОБУНА.

— тўртта учинчи мукофот —

Якка тартибда обуна уюштирган

жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва феола-лар учун қўйидаги мукофот-лар таъсис этилади:

— Битта биринчи мукофот — «ЭЛЕКТРОНИКА—М332 С» МАГ-НИТОФОНИ.

— Иккита иккинчи мукофот — ИТТИФОКИМИЗНИНГ МАРКА-ЗИЙ КУРОРТЛАРИГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА.

— тўртта учинчи мукофот —

Обуна ўтказиш бўйича конкурснинг бориши рўз-нома саҳифаларида ёритиб борилади.

«Тошкент ҳақиқати» муштарийлари сонини кў-пайтириш, обунани муваффақиятли яқунлаш йўли-да яхши ният билан бошланган ўзига хос белла-шувда рўзномамизнинг ҳамма дўстлари, жонкуяр-ларига катта муваффақиятлар ва омад тилаймиз.



БЕЛГИЛАНГАН СОВРИНЛАР ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ
СОҲИБЛАРИГА НАСИБ ЭТАДИ, ДЕГАН УМИДДАМИЗ

• Қишлоқда қайта қуриш •

„ОГОНЁК“ — ДЎСТЛИКДАН КЎКАРТАН БОҒ



● СУРАТЛАРДА: (чапдан) хўжалик директорининг ўрин босари А. Пайзиев, бўлим бошқарувчиси И. Қўшқов, ишчилардан М. Тўлбаева ва Н. Ҳайдаровлар хирмон бошда; илгир ишчи Дилбар Маҳмудова.

на бу ёш боғ 61 гектар ерни эгаллаган. Мевали дархат кўчатларини шу йил «Наврўз» байрами кунлари экишган. Ниҳоллар ўзини яхши тутиб олган, хатоси йўқ.

Қайта қуриш халқимизнинг ўлкамизни боғ-роғларга бурнашдек азалий оғзисини рўёбга чиқарди, тароватли ва шарофатли мевазорларимиз доврўғини яна оламга кенг ёйиш имкониятини яратди. Кечагинада ўзининг намбаргина ҳовли-томорқасига пахта эккан захматқаш, миришкор деҳқон яна боғ яратишга жазм қилди. Пахта талвасаси аста-секин чекиниб, ҳовлидан тўшди. Пахта экилавериб тинкаси қуриган ерларда, шаҳарларга яқин жойлашган чорбоғларда янги боғлар бўлиб топил бошлади. Мевата чанқоқ халқимизнинг оғзи яна қайду новит меваларга тегадиган бўлди.

«Огонёк» шўро хўжалиги жамоаси ҳам ана шундай эзгу орзу билан ишлаган, меҳнат қилаётган халқ. Улар ҳам ёш ниҳоллар қўнқа талпингандай нурули уфқ, келажакка шундай эҳтирос билан боқмоқдалар.

СЎНГГИ ДОВОН

МАЪЛУМКИ, илгариги «Москва» колхозини ерлари ҳозирги кунда «Огонёк» шўро хўжалигига қўшиб берилган. Колхоз азалдан пахта экиб келган, пахтакор хўжалик саналган. Шу босидан жамоа хўжалигидан шўро хўжалигига 190 гектар пахта майдони ҳам мерос ўтган.

— Бу йил ана шу майдонлардан энг сўнгги пахта ҳосили йиғиб-териб олинмоқда. — дейди совхоз-завод директорининг ишлаб чиқариш бўлими муовини, «Москва» участкасининг раҳбари Акром Пайзиев. — Ҳозир қабул пунктига тоширган жами пахтами 90 фоздан ошиб қолди. Сўнгги доvon, сўнгги



● ХЎЖАЛИКНИНГ вино цехи лабораториясининг мудири Нелля Дьяконова.

ладир. Бу хусусда жуда кўп гапирилади-ю, тайин бир иш қилинмайди. Афсуски, жойларда мева ва сабзавот нобудгарчилиги ҳамон давом этиб келмоқда. Боғбон ва

ни ўйлаб, ҳисоб-китоб билан дадил иш қўришди. Катта музхона ва шарбат сақланадиган цех қуришга қарор қилинди.

Икки улкан объект ҳам қисқа муддат ичида қуриб фойдаланишга топширилди. 1800 тонна маҳсулот сақланадиган музхона қурилишига 1500 минг сўм сарфланди. Шарбатлар сақланадиган цехни эса югославиялик мутахассислар бунёд эттишти. Цех қурилишига 3500 минг сўм сарфланди. Унда 2 минг тонна мева шарбатини узоқ давр сақлаш мумкин. Ҳозир музхона ва цехга қуёф тушган. Уларда ситими ҳажмида мева-чева ва шарбат сақланмоқда.

зат» виноларини яна тайёрлай бошлади. — сўзида давом этди О. Ҳўжаев. — «Яна-сорат» ва «Роҳатбахш» — заводимиз ҳозир тайёрлаётган қувватли ва ҳуштам янги винолардан. Улар сизларга, албатта, манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

МОЛЛИ ХЎЖАЛИК—МОЙЛИ ХЎЖАЛИК

ҲА, молли хўжалик — мойли хўжалик, деб бекоғга айтишмаган, гўш, сут-қатик рўзғорда кунда керак. Уси туқ турмушини тасаввур қилиш қийин. Шу тўғрисида бўлса керак, хўжаликда чорвачиликка эътибор катта.

Икки фермада ҳозир 1213 бош йиринг шохли қорамол ва 374 бош соғин ситир парвариш қилинмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, хўжаликда гўшт ва сут топиширишда яхши кўрсаткичларга эришилган. Чорвадорлар кунни кеча гўшт ва сут топириш режасини ошириб адо этишди. Эл дастурхонига 1150 тонна сут 102 тонна гўшт етказиб берилди.

Бузоқбоқар Ранса Шитинская, илгир сут соғувчилар Магдалина Поо, Людмила Чудинова ва Фарида Халиловлар меҳнатда барчага намуна бўлишарди. Хўжаликда ҳар бир ситирдан сут соғиб олиш йиллик режанинг барвақт адо этилишида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу мусобақа пешқадамлари йил охиригача ҳар ситирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3 минг литрдан оширишга аҳд қилишган.

ДАВР НАФАСИ

ҲОЗИР қишлоқда ерга эгалик ва эркин меҳнат қилиш учун тўла шарт-шароит яратилган. Оилалар ва бригадалар меҳнатни ташкил этишнинг оила ижара пудрати усулига ўтиб ишламоқдалар. «Огонёк» давлат хўжалигида ҳам тўла хўжалик ҳисобида ўтиб ишлаган бундай оилалар ва жамоалар аз эмас. Ҳозирги кунда оузага тайёрлашда 8 та оила, сабзавотчиликда 60 та, полизчилик картошкачилик ва ерғоқчилик картошкачилик ва ерғоқчилик картошкачилик борасида 66 та жамоа пудрат ва ижара пудрати асосида иш юритапти.

Юсуф Юнусов бошлиқ оилавий зеро мана бир неча йилдирки давлат хўжалигидан тузилган шартнома асосида картошка етиштириб келмоқда. Зерода 14 киши бўлиб, 13 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Бу йил у ҳар гектар майдондан 100 центнердан картошка ҳосили қилиб олди. Зеро ахли меҳнат сармоясидан мамнун. Ойли Алимов бошлиқ оилавий зеро эса 50 гектар ерда ем-хашак етиштириб келмоқда. Бу йил бедага беш марта ўроқ тушди. Ҳар гектардан ҳозиргача 150 центнердан зиёд хашак гарамланди. Олдинда яна икки ўрм бор.

Хўжаликда ўз лимонзорлари бўлишини кўпдан бери орзу қилиб келишарди. Бугунги кунда ана шу ният ушталган. Бир гектар майдонда барпо қилинган ойнаванд боғда гарқ пишмиқчили. Олтиндек сап-сар лимонлар, мандарин ва анислар, лимон-лим шарбатга тўлган. Ҳадемай қишқик боғда терим мавсуми ҳам бошланади. Миришкорлар қишлоқда келаятган байрам дастурхонига 20 тонна лимон, апельсин, мандарин ҳамда янги помидор ва қуврак бодринг тортиқ қилишмоқчи.

«ЖАСОРАТ», «РОҲАТБАШ» ДАН ТОТИБ КЎРИНГ

— ЗАВОДИМИЗ бор қуввати билан ишлаб турибди. — дейди хўжаликнинг виночилик бош мутахассиси Озод Ҳўжаев. — Бу йилги мавсум жами 10 минг тонна узум ва 5 минг тонна мевани қайта ишлашимиз керак.

— Илгари ишлаб чиқаришдан олиб қўйилган вино турлари: «Нагор», «Огонёк», «Столловое», «Шампань», «Рислинг», «Куджинский», «Хосилот», «Чашма», «Лаз

сабзавоткорлар меҳнати лозим даражада қадрланмапти. Шу сабабдан давлат ҳам, халқ ҳам зарар қўрқпти. Нарх-наво баландиница қўяпти, дала меҳнатчилари эса қўзланган фойдадан маҳрум бўлишарди. Шунинг учун ҳам нобудгарчиликка узил-кесил тўсиқ қўйиш бугунги кунда ҳам энг катта муаммо бўлиб турибди.

Бу муаммони умуман ҳал қилиш мумкинми? Ҳа, дейишмоқда ишбилармон, тажрибали мутахассислар. Халқ билан мафбатни учун жонқурлар бор жойда бу муаммонни ижобий ҳал этиш қийин эмас экан. «Огонёк» шўро хўжалигида ҳам узон-

«ОГОНЁК» марказий қўрғонини ҳақли равишда «боғ шаҳар» дейишарди. Чиндан у шундай ном беришга арзайди. Бу ерда ҳамма-ҳаммаси худди замонавий шаҳаргадек. Кўп қаватли тартиб билан тушган кўрак уй-жойлар, «Огонёк» савдо маркази, ресторан, миний хизмат уйи, маъмурий, маданий ва миний бинолар, янги марказий касалхона ва боғча бинолари, соя-салқин кўча ва ҳиёбоналар, гулзорлар шаҳарчага ажиб кўр бағишлаб турибди.

Ҳар бир хонадонга табиий газ ва ичимлик сув кириб борган.

Боғ шаҳарининг эртаси янада порлоқ. Бу ерда янги уй-жойлар билан бирга кўп ўтмай кўрак кафе-чойхона, катта спорт комплекси қуриб фойдаланишга топширилди.

Зеро, ҳамма нарса даромадга, одамларнинг топиш-тутиши ва умид-максадига боғлиқ. Бу йил давлат хўжалиги жами 4.500.000 сўм соф даромад олинган мўлжаллаб турибди. Агар бироз хомчўт қилиб қўрилса, бу жуда катта маблат кўпчилигининг ҳалол ва машаққатли меҳна-

ти самарасидир. Агар бу рақамга яна бошқачароқ тўс берадиган бўлсак, у кўп миқлида байналмилал ахил олинган мустахкам биродарлиги, бир ўй ва тақдир билан кун кечираётганини ҳамда тотувлиги, қўлни-қўлга бериб қилаётган меҳнат шижоати самараси ҳамдир. Хўжаликда 26 миллият мансуб 1023 та оила истикомат қилади. Бирини ўзбек, бирини рус, бирини татар ва бири немис бўлишидан қатъий назар улар доим тинч ва осийишта турмуш кечириб келишарди. Улар ўртасида миллат ажратини, биринини камситини, беҳурмат қилиш мутлақо ёт нарса.

Бобокалонларимиз айтгандай, дўстликда чиндан ҳам ҳикмат кўп. Қарошлик, биродарликдан улдурок нарсаси йўқ дунёда. Тинч ҳаётимиз, рўзгоримиз бутунлиги, турмушимиз ширин-тотувлиги асли ана шу беғубор ва азалий дўстлигимиз шарофатидандир.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛТИН КУЗ БАРАКАСИ

КУЗ саҳоватли келди. Унинг қўт-баракаси бугун тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмонларида, ҳосилини кўтаролмай қадди саломга келган мевазор боғлар, ишқомларини маржон шалоласидек безаган тиллар узум боғларида яққол кўзга ташланади. Икки ёнбошида баланд ўсган дов-дархатлар йўраклаган катта кўча-ҳиёбондан «Огонёк» совхоз-заводи марказига ўтиб борарканмиз, йўл чеккасига келиб туташган боғ-роғларнинг ҳадди кўринмайди. Айни пишмиқчилик палласида, боғларга шира, боғ кўнган кезде улар янада сержозоба, улар худди афсонавий «боғи эрамдан таъсирчан ҳикоя» сўзлаб бермоқчидай туюлади кишига. Аслида эса, биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси афсона сифат ҳақиқатнинг ўзинаси. Инсон меҳнатининг маҳсули, меваси.



Бу йил ишлаб чиқаришдан олинадиган соф фойда 4,5 миллион сўмни ташкил этади.

НАВИДАН ҲАТТО КЎЗ ҚАМАШАДИ

БУ асло муболага эмас. Шўро хўжалигида етиштирилаётган узум навларининг тури 20 дан ортади. «Қора қишмиш», «Баян Ширин», «Қора гўзал», «Санд Гудоний», «Хусайин», «Хасайин», «Мускат» навлари, «Нимранг», «Октябрь», «Саперави» ва ҳоказолар. Бу узум навлари маҳаллий шароитда мўл ва сифатли ҳосил бермоқда. Токзорларнинг ҳар гектаридан режадаги 162 центнер ўрнига 200 центнердан ошиб бериб. Ўз ваъдасининг устидан чиқди.

Аммо бу охириг чегара эмас. Токзорларимизда ҳосил сароб. Ана шунинг ҳисобида олиб, бу йил эл-ўрт дастурхонига режадан — зиёд 1840 тонна, жами 10.500 тонна узум етказиб беришни ният қилиб турибмиз.

Мевазор боғлар номи ҳам ранго-ранг. Уларда олма, олхўри, беҳи, нок, ўрик, шафтоли етиштириб келинмоқда.

Боғлар қўрғига кўрк қўшаётган янги олма навлари, айниқса, диққатни ўзига торғайди. «Олмаота айпори», «Нафис», «Жонатан», «Жонатан», «Голден Делишис», «Стар Кримсон» (Америкадан келтирилган олма навлари), «Наана кизил олмаси» навларини умримиз билиб бўлиб биринчи бор энди эшитишимиз. Ўйлаймизки, бундай олмалар кўп ўтмай азиз шаҳарликлар дастурхонини безайди.

НУРГА ТАЛПИНГАН УФҚ

ДАВЛАТ хўжалигида янги бунёд этилган боғларни айланиб завқ-шавққа тўласан, киши, Ҳа, бу ерда катта хайрли ишлар амалга оширилаётганининг жонли гувоҳи бўласиз. Рўпарамиздаги ма-



● ИШЧИ оилалари учун қурилган янги уйлар.



● БУ янги боғлар ҳадемай кишлона кўрсатади.

Бу йил шўро хўжалигида янги экилган боғлар майдони 900 гектарга, янги токзорлар майдони 700 гектарга етади.

Хўжалик ўзини ўзи мева ва тоқ кўчатлари билан таъмин этиб келмоқда. Ана шу массадда 19 гектар майдонда кўчат етиштирилган ва нава саралаш манзилгоҳи ташкил этилди. Бу хўжаликка Собир Ҳолматов ва Камол Беналиевлар бошчилик қилишарди. Ҳозирнинг ўзида 350 минг тўп мевали дархат кўчати ва 300 минг тўп тоқ кўчатлари янги боғларга кўчирилган. Ҳозир ушунга тайёргар қўйилган.

Энг қувончли томони шун-

пахта хирмонимиз — 411 тонна! Янги кўнлар ичида режамизни узил-кесил адо этиш ниятида.

— Демак, бу йил пахта экилган майдонларга келгуси йил чигит қадалмайди. Шундай эмасми? — қизиб сўради кўрак Акром Қосимовичдан.

— Худди шундай, — тасдиқ қилди у. — Пахтадан бизга фойда кам. Сабаби бу ерларда унинг ҳосилдорлиги жуда паст, сифати ҳам яхши эмас. Илгари мажбуран пахта экилиб келинган ана шу камхосил, ботқоқлик ерларини боғ-роғларга айлантириш айни муддао, нур устига атало нур бўлиб эди.

Биз олим, хўжаликнинг етакчи мутахассисларидан бири Акром Пайзиевнинг бу фикрига бажонудил қўшилди.

— Боғ яратишга қачон киришарди?

Хўжалигимизнинг 7 ва 8-бўлимлари жойлашган собоқ «Москва» участкасида янги боғлар бунёд этиш ишлари алақадорлар бошлаб юборилган. Шу йил баҳорда юқоридаги бўлимларда 144 гектар ерга тоқ ниҳоллар экилди. Қузда янги токзорлар яратиш ишлари давом эттирилиб, яна 156 гектар майдонга тоқ кўчатлари экилади.

УЛКАН ШАРБАТ ОМБОРИ

ҲОЗИРГИ вақтда боғ ва дала меҳнатчиларининг пешона тери билан етиштирилган ноз-неъматларни нес-нобуд қилмай халқимиз дастурхонига сифатли қилиб етказиб бериш энг долзарб маса-

жамизни ортиги билан ўринлади.

Ҳа, Саид Маҳмудов бошқарётган бўлим боғдорларининг режаси катта. Бу йил улар 4040 тонналик улкан хирмон кўтаришлари керак. Ҳозиргача топирилган, узум ҳосили 4000 тоннадан ошиб кетди. Бугун узум ортанг ҳосил қарвонларининг кети узилмади.

Узумчиликка ихтисослашган бўлимлардан яна бирига Ирискул Қўшқов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бўлим миришкорлари ҳозиргача 2000 тоннага яқин узум топириб, белгиланган режани бажариш афрасида туришди.

Дастлабни режа — 2125 тонна Аммо уюлажак хирмон бундан анча баракалироқ.



● ШҮРО хўжалиги-заводида етиштирилган мўл-кўл ноз-неъматлар. Суратқаш А. ЗУФАРОВ.

САИД ПОЛВОН

ХЎЖАЛИКНИНГ тўртинчи бўлими бошқарувчиси Саид Маҳмудов исми янги «полвон» сўзини қўшиб ёш-шимизнинг, албатта, ўзгача матноси бор. Олий маълумотли мутахассис, боғдорчилик бўйича агроном Саид Маҳмудов зиммасига чиндан ҳам катта масъулият юклатилган. Бўлимга 270 гектар токзор ва 33 гектар мевазор боғ бириктирилган. У давлат хўжалигида етиштирилган жами узум ҳосилининг қор яринини беради.

Сўяги боғ ишида қотган Саид полвонни одадидек шаҳарлик ҳашарчилар билан топди. Узаро сўхбатдан маълум бўлишча улар Тошкент темирйўли техникуми, рус тили ва адабиёти илм-бўлими талабалари экан. Бўлим ишчиларидан улар ҳақда фақат илқ минидорчилик сўзларини эшитди.

— Бу йилги ҳосил яхши бўлди, — дейди қўлданги катта Қора гўзал узум бошини кўз-кўз қилиб Саид Маҳмудов. — Етиштирилган жами узум ҳосилини ўз кўчмиз билан йиғиштириб олишга қодир эмасмиз. Шунинг учун бизга шаҳарлик биродарларимизнинг кўмаги жуда зарур. Ҳозир токзорларимизда 700—800 хашарчи узум узаяпти. Ҳар кун 150—200 тоннадан ошиб узум жўнатишми. Йилнинг турмушнинг охирида хўжалик маълумияти томонидан ишлаб чиқилган терилган узумга ҳақ тўлашнинг янги тадбирий чоралари яхши самара бермоқда. Ишчиларимиз ва ердамчиларга узилган бир килограмм винобон узум учун — 5 тийин, узилган бир килограмм хўрак узум учун — 7 тийиндан ҳақ тўланмоқда.

Боғлардаги ишларимизни тугатдик. 350 тонна олма ва олхўри териб топириб, ре-

